# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## Кўксида мустаҳкам қўрғони борлар

***Миллий армиямиз бугун ўн саккиз ёшда. Ўн саккиз йил, ўн саккиз довон... Бир йигит вояга етадиган, эл-юрти юкига елка тутишга тайёр бўладиган вақт. Ўн саккиз ёшли бир йигитни биламан. Мўйлаблари сабза уриб, билаклари кучга тўлган. Қўйиб берсанг, тоғни талқон қиламан, дейди. Юрагида юрт ишқининг чўғи бор. Истиқлол тенгдоши 2009 йилда муддатли ҳарбий хизматга келди. Ватан ҳимоячиси, деган юксак мақомга эга бўлди.***

«Ватанимнинг, юртимнинг сарҳади юрагимдан бошланади. Кўксимда бир қўрғон бор. Уни ҳеч ким забт этолмагай, демакки, сарҳадимга дахл қилолмагай». Нигоҳлари шу сўзларни, шу каломни айтди. Юрагидан чиқди, бу гаплар.

Бекзод РЎЗИЕВ истиқлол йилларида униб-ўсган авлод вакили. Мустақиллик билан деярли тенгдош. Хўш, олдига қандай мақсадларни қўйган? Шу юрт ўғлони сифатида юртимиз, мустақиллигимиз ҳимояси йўлида нималар қилмоқчи?

— Замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг кенг жорий қилинаётгани, Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган таълим-тарбия тизими биз — бўлғуси зобитларнинг юртга муҳаббатли, садоқатли, маънавий-ахлоқий етук, профессионал кадр бўлиб етишишимизда муҳим омил бўлаяпти.

Мен бугунги зобитларни қобилиятли ва малакали, интеллектуал салоҳияти юксак инсон сифатида тасаввур қиламан. Ўзим ҳам шундай бўлишга ҳаракат қиламан.

Йигит юртни асраши керак. Мен касбий бурчимни билагимдаги куч, юрагимдаги шижоатни халқим хизматига сарфлашда, деб биламан.

Жамол Мирзаев 2009 йилда елкасига зобитлик погонини тақди, лейтенант бўлди.

— Менинг тақдирим Ватаним, халқим тақдири билан чамбарчас боғлиқ. «Ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамоғим керак», деган ўй билан яшаяпмиз. Ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар замирида биз каби инсонларга эътибор, ғамхўрлик мавжудлигини яхши биламиз. Мен билим юртида таҳсил олиш давомида буни янада яққол ҳис қилдим. Энди эса шу юксак ишончга, эътиборга муносиб бўлишим лозим.

Ҳа, истиқлолга эришиб, ўз миллий армиямизга асос солганимизда кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилгани бугун ўз мевасини бермоқда.

Посбонларнинг профессионал даражасини ошириш, уларнинг жисмонан бақувват ва маънан етук қилиб тарбиялаш, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топган ҳарбийларни тайёрлаш мақсадида бугун Жиззахда олий ҳарбий авиация билим юрти, пойтахтда алоқачиларни тайёрловчи махсус факультет ташкил топганини, шунингдек, мавжуд олий ҳарбий ўқув масканларимизда хилма-хил қўшин турлари учун зобитлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари, умуман, мукаммал бир тизим барпо қилинганини ғурур билан эътироф этишимиз мумкин. Бу каби ўқув муассасаларимизда ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан сабоқлар берилмоқда.

Мустақиллик йилларида камол топган миллий кадрларимиз билан суҳбатлашар экансиз, юраклари Ўзбекистон ҳарбийси бўлишдан, муқаддас заминини, нурафшон келажак сари интилаётган юртимизни ҳимоялашдек масъулиятдан фахрланиш, ғурурланиш туйғулари билан тўлиб-тошаётганини ҳис қиласиз.

Бугун профессионал асосда шаклланаётган, фахримиз, ғуруримизга айланган миллий армиямизни ватанпарварликнинг ўзига хос мактаби дейиш мумкин. Она юрт посбонларини буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурларнинг муносиб ворислари, она-Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз йўлидаги устувор мақсадларимиз бугун ўз самарасини бермоқда.

Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтиш имконини берди. Янги ташкилий штат тузилмаси қабул қилинди, қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар ташкил этилди, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлигидаги жанговар тайёргарлик ва тезкор стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик чақирув резерв хизмати жорий этилди ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг социал ва маиший, турар-жой шароитларини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Миллий армиямизни бундай босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, мамлакатимизнинг минтақада, шунингдек, дунёда тутган геостратегик, геосиёсий ўрнини, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдидларни, айниқса, фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, кўлами тобора кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутилди.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган. Айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда. Шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан қарашлар бутунлай ўзгарганида кўриш мумкин.

Ўтган йили ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанасида бир аскарнинг отаси билан суҳбатлашиб қолдим.

— Иккинчи ўғлим ҳам чегара қўшинларида хизмат қилмоқда. Нуралим акаси Шоҳруҳга ҳавас қилиб, чегарачи бўлишга аҳд қилди. Хурсанд бўлдим. Йигит вояга етгач юртининг, халқининг фарзанди бўлади-да. Сарҳадларимизни қўриқласин, ҳушёр, сергак турсин, — дейди Санoқул Ойтуғдиев.

Ҳа, оталар, оналар бугун ана шундай фикрлашмоқда. «Ўғлим армияга борса, Ватанини ҳимоя қилса, чиниқиб, тобланса», дейишади. Бу уларнинг маънавиятидаги ўзгаришдан. Истиқлол сабаб ўзлигимизни, кимларнинг авлоди эканимизни англай борганимиз сари онгимизда Ватанга муҳаббат туйғулари шаклланди. Қалбларимизда миллий ғурур жўш ура бошлади.

Бундай ютуқлар Ўзбекистоннинг тараққиёти, истиқболи йўлида қалби уйғоқ ҳар бир инсонни фахрлантиради. Халқимиз тинчлиги ва осойишталигининг, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қуролярoғдан фойдаланиш ва маҳорат бобида ҳеч қайси хориж армиясидан кам бўлмаган Қуролли Кучларга эга эканимиздан ғурурланмай бўларканми?!.

**Алижон САФАРОВ**



***Аълочи посбонлар ҳақида гап кетганда ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Асқар Сафаров оддий аскарлар Ҳасан ва Ҳусан Обиловларнинг номини биринчи бўлиб тилга олгани эътиборимни тортди. Кўз олдимда бир-бирига бир томчи сувдек ўхшаган ўғлонлар гавдаланди-ю, улар билан суҳбатлашишга шошилдим. Янглишмаган эканман.***

## ЮРТИМИЗНИНГ МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАРИ

Бир хил қадди-қомат, бир хил чеҳра, ҳарбий либос эгниларига қуйиб қўйгандек ярашган эгизак посбонлар билан бўлган суҳбат менда катта таассурот қолдирди. Аввало шундай ғайратли, эл юкига елка тутадиган ўғлонларни вояга етказган ота-онаси, туғилиб ўсган гўшаси ҳақида сўз юритсак.

Ҳасан ва Ҳусан Қашқадарё заминида вояга етишган. Улар туғилиб ўсган Қамаши туманига қарашли Ғалаба қишлоғида боғбон-фермер Юсуф ака ва Жамила опалар хонадонининг ўз ўрни бор. Айни дамда ушбу оилада беш фарзанд вояга етаяпти.

— Ҳарбий хизмат Ҳусан иккимизнинг ҳам келажакдаги режаларимизни ўзгартириб юборди, — дейди Ҳасанжон суҳбат жараёнида. — Бунда албатта, устозларимизнинг ўрни катта. Ёш аскарлар йиғинидан бошлаб, бизга ҳарбий санъат сирларидан сабоқ бериб келаётган сержантлар Азим Назаров, Фурқат Артиғалиевлардан чексиз миннатдормиз. Чунки улар нафақат хизмат синовларида тобланишимизга, балки соҳа бўйича билимларимизнинг бойишига ҳам замин яратишди. Ушбу соҳага меҳр қўйишимизда барча устозларнинг ўрни катта.

— Худди шундай, — суҳбатни давом эттиради Ҳусанжон. — Биз сафдош дўстларимиз — оддий аскарлар Жамол Рашидов, Шоҳакбар Суюнов, Азамат Суюновлар билан биргаликда кўп нарсага эришдик. Бунинг учун устозлар берган сабоқдан унумли фойдаланган ҳолда жиддий шуғулландик, ҳар бир топшириққа эътибор билан ёндашдик. Келажакда шартнома бўйича ҳарбий хизматни давом эттириб, она-Ватанимиз тинчлигини муносиб ҳимоя қилмоқчимиз.

Армияни мардлар мактаби, дея таърифлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси ҳарбий хизматни ўтаган йигитларда улкан ўзгаришларни кузатиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йигитларимизнинг етук посбон сифатида шаклланишларида ҳарбий қисм ва муассасаларда яратилган шарт-шароитлар ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳасан ва Ҳусан Обиловлар хизмат қилаётган ҳарбий жамоада ҳам барча шароитлар мужассам. Замон талаблари асосида жиҳозланган машғулот хоналари, спорт билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар, барча йўналишдаги китобларни ўзида жамлаган кутубхона, шинам дам олиш хоналари, хуллас, бу ердаги шароитга ҳавас қилса арзийди.

Эгизак қаҳрамонларимиз суҳбат давомида спорт билан шуғулланишлари, китоб мутолаа қилишлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Дунёқараши, феъл-атвори, эзгу истаклари бир-бирига яқин бўлган бу ўғлонларнинг ҳарбийлик деган шарафли касбга муҳаббати баланд экани бизни қувонтирди. Инсон ўзи севган, меҳр қўйган касбида фидойилик ила хизмат қилади. Ватан ҳимояси эса айнан шундай бўлишни талаб қилади. Умид қиламизки, оддий аскарлар — Ҳасан ва Ҳусан Обиловлар кўзлаган мақсадларига эришиб, юртимизнинг муносиб қалқонлари бўлишади.

**Зулфия ЮНУСОВА**
**Баҳром АБДУРАҲМОНОВ олган сурат.**

## ЎзМУ нинг "Қалқон"и

***Бугун юртимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганларга ишлашлари, таълим олишлари учун катта имкониятлар яратилган. Бу эса мамлакатимизда соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.***

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганида намунавий хулқи, астойдил хизмати билан бошқаларга ўрнак бўлган аскарларга олий ўқув юртларига киришлари учун ҳарбий тавсияномалар берилиши белгиланган. Тавсиянома эгалари олий таълим муассасаларига кириш учун йиғиладиган максимал баллнинг 25 фоизи, яъни 56,7 баллга имтиёзли равишда эга бўлишади. Бундан ташқари, олий ўқув юрти талабасига айланиб, ўзининг аъло баҳолари, жамоат ишларидаги фаоллиги билан ажралиб турган бундай ёшларнинг тўлов-шартнома пулининг 35 фоизи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилиши ҳам кўзда тутилган.

— Айни пайтда университетимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 324 нафар талаба тўлов-шартнома асосида таҳсил олмоқда, — дейди ЎзМУ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг етакчиси Шавкат Мавлонов. —Уларнинг юриш-туришлари, рейтинг баллари доим эътиборимизда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар орасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, самимий фикр алмашинувини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари орасида биринчи бўлиб университетимиз қошида "Қалқон" гуруҳини ташкил қилганмиз. Гуруҳ аъзолари университетнинг маънавий-маърифий, ободонлаштириш, спорт-соғломлаштириш ишларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб туриш мақсадида тўлов-шартнома пулларининг 35 фоизи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилмоқда. Ўтган йили шу мақсадга 69 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганди. Жорий йилнинг март ойида эса 296 талабага ана шундай ёрдам кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

**Низомжон АБДИЕВ**

## МУҲИМ СИЁСИЙ ТАДБИР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

**12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайлов якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сўзга чиқиб, сайлов миллий сайлов қонунчилиги талабларига, очиқлик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик тамойилларга тўлиқ мос ҳолда ўтказилганини таъкидларкан, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда 2009 йил 27 декабрда ўтказилган овоз бериш якунларига кўра, сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодлар ўртасидаги кучли рақобат натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та сайлов округидан 39 тасида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур миқдорда овозлар тўплай олмаганди. Шу сабабли 2009 йил 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур сайлов округларида 2010 йил 10 январда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сайлов қонунчилигига биноан, такрорий овоз бериш 39 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод бўйича ўтказилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига фамилиялари киритилган 4 миллион 969 минг 547 сайловчининг 3 миллион 960 минг нафари ёки 79,7 фоизи такрорий овоз беришда қатнашди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 8260 нафар кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунларига кўра 150 депутат сайланди. Шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 31 нафар, Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Қолган 15 нафар депутат эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларидир. Сайланган 150 депутатнинг 33 нафарини ёки 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Эътиборли томони шундаки, сайланган депутатларнинг 47 нафари ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу уларнинг ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганидан далолат беради. Шунингдек, парламент қуйи палатаси депутатларининг 34 фоизи ҳуқуқшунослар, 37 фоизи иқтисодчилардир. Қолганлари эса бошқа соҳа вакилларидан иборат. Кўриниб турганидек, депутатлар таркибини жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари ташкил этади.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкора руҳда ўтишида оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур катта сиёсий тадбирни 500 дан ортиқ маҳаллий ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари ёритиб борди. Дунёнинг 36 та мамлакати ва тўртта халқаро ташкилотдан 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайловни мониторинг қилиб борди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказилган сайловлар дунё жамоатчилиги ҳамда барча хорижий ва маҳаллий кузатувчилар бирдек эътироф этганидек, адолатли, холис, энг асосийси эса, демократия талабларига мос ўтказилди.

**Иномжон АБДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**




### ЁШ ОИЛАЛАРГА СОВҒА

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртмасига биноан Нукус шаҳрининг Р.Сеитов кўчасида 16 та турар-жой биноси қисқа муддатда, яъни саккиз ойда қуриб битказилди. Ушбу турар-жойлар ички ишлар вазирлиги ходимларига ва ёш оилаларга совға қилинди.

Ана шу қувончли воқеага бағишлаб ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев иштирок этди ва 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида янги уйларга кўчиб ўтган ҳарбийларни самимий табриклади.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ҚИШЛОҚЛАР ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА



Шу кунларда Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги "Хоразм-Янгибозор" таъмирлаш-қурилиш, "Янгибозор ипотека қурилиш", "Дониёр-Дилнур қурилиш сервис" хусусий корхоналари аҳоли учун турар-жой биноларини бунёд этишмоқда. Ўтган давр мобайнида бу корхоналар қурувчиларининг саъй-ҳаракати билан тумандаги кўпгина қишлоқлар қиёфаси ўзгарди. Хусусан, Бўзқалъа, Бошқирших, Чўболанчи каби қишлоқларда янги турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, маҳалла гузарлари фаолият юрита бошлади. Замонавий тўйхона ва чойхоналар қад ростлади.

Маълумки, қишлоқда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тараққий эттириш бинокорлик материаллари базасини яратишни тақозо қилади. Шу боисдан туманда қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Чўболанчи қишлоғида жойлашган "Элинза" фирмасида оҳак ва бошқа турдаги бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарилмоқда. "Ёғду" фирмасида эса деворбоп қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга киришилди. Тумандаги ғишт заводларининг қувватини ошириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Айни пайтда Жиззах вилояти Зомин тумани ижтимоий таъминот бўлимида 13 минг 134 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар мавжуд бўлиб, шулардан ёшга доир нафақа олувчилар 8843 нафарни, ҳарбий хизматчилар мақомида пенсия олувчилар 122 нафарни, ногиронлик пенсиясини олувчилар 1592 нафарни, боқувчисини йўқотганлар 1136 нафарни, ижтимоий нафақа олувчилар 1441 нафарни ташкил этади.

— Бўлимимиз ҳомийлар ёрдамида 600 минг сўм миқдоридаги маблағга имконияти чекланган фуқароларга ногиронлар аравачаси ва эшитиш аппаратларини олиб беришди, — дейди Зомин туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари Абдували Абдураззоқов. — Жумладан, бешта эшитиш аппарати, етти жуфт қўлтиқтаёқ, 9 нафар ногиронлик аравачалари ва 13 кишига протез учун 19 та талон берилди. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида 59 та ёш оилага қорамол сотиб олиши учун 15 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бу хайрли ишлар жорий — Баркамол авлод йилида ҳам изчил давом эттирилади.

**Ўз мухбиримиз.**

### ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Яқинда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратди. Тошкент — Шовот тезюрар йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда республикамизнинг Туркманистон билан чегарадош Шовот ва бошқа туманлари ҳамда Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани аҳолиси ана шу поезд орқали пойтахтимизга, мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва шаҳарларига сафар қилишаяпти. Поезд Тошкентдан пайшанба куни, Шовотдан эса жума куни йўлга чиқади.

Хоразм ва Қорақалпоғистондан пойтахтимизга қатновчи йўловчи поездлар сони 6 тага етди.

**Ўз мухбиримиз.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# Мақсад — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

Бугун мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини банклар фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Боиси, молиявий муассасаларнинг жисмоний ва юридик шахслар фаолиятидаги ўрни беқиёс. Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 12 июлдаги "Банклар капиталлашувини ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бўйича аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, пул муомаласини барқарорлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш жараёнидаги активлигини ривожлантириш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, бизнинг молиявий муассасамизда ҳам банк активлари ва ресурс базасининг ўсиш салмоғи ўтган 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 89 фоизни, жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахсларнинг банкка жалб қилинган бўш пул маблағлари ҳажми 67,8 фоизни ташкил этди.

Пул муомаласини такомиллаштириш, миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш борасида аҳоли билан ҳисоб-китоб қилувчи ва доимий нақд пул тушумига эга бўлган корхоналарнинг нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида тўлиқ топширилиши назоратга олингани, инкассация хизматидан самарали фойдаланишнинг ташкил қилингани ва хўжалик юритувчи субъектларнинг касса интизомига риоя қилиши устидан назорат ўрнатилгани ижобий самарасини бераётир. Аҳолидан табиий газ, электр энергияси, солиқ ва бошқа коммунал тўловларни қабул қилиш учун 167 та хизмат кўрсатиш кассаси ҳамда филиаллардаги 22 та махсус касса орқали 32 млрд. 572 млн. 100 минг сўм миқдорида тўловлар қабул қилиниб, тегишли ташкилотларга ўтказиб берилгани аҳоли ва хизмат кўрсатувчи идоралар учун катта қулайлик бўлди.

Ҳар бир банкнинг нуфузи мижозларининг кўплиги ва хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги билан баҳоланади. Айни пайтда мижозларимиз бўлмиш мулкчиликнинг барча шаклида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 6317 тани ташкил қилмоқда. Уларга филиалларимиздан ташқари 22 та минибанк намунали хизмат кўрсатаётир. Хўжалик юритувчи субъектлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар сонининг ошиб бораётгани ҳисобига 372 та янги деҳқон ва фермер хўжаликлари ушбу мўъжаз банкларимизга мижоз бўлиб киришди. Мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш ҳамда банкдан ташқари айланмадаги нақд пулларни қисқартириш, савдо ва пулли хизматни ривожлантириш борасида ҳам эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Филиалларда тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган бўлиб, айни пайтда улар сони 11 395 тани ташкил этаяпти. Ўрнатилган 290 та терминал орқали 7 млрд. 723 млн. 600 минг сўмлик иш ҳақи, савдо ва ёқилғи қуйиш шохобчаларида эса 3028 млн. сўм маблағлар ўтказилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит сўраб мурожаат қилаётган мижозларнинг талаблари ўз вақтида қондирилиб келинаяпти. Пировардида юзлаб янги иш ўринлари барпо этилмоқда. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган қисқа ҳамда узоқ муддатли кредитлар миқдори 23551 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари иқтисодиётнинг реал сектори ҳисобланган экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи 8 та тадбиркорлик субъектларига 649 млн. сўм, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 318 та ёш оилага 1119,9 млн. сўм ажратилди. Шундан 20 та ёш оилага 380 млн. сўмлик ипотека, 117 та ёш оилага 467,9 млн. сўмлик истеъмол, 181 та ёш оилага 272 миллион сўм миқдорида микрокредит берилди. Давлатимиз раҳбарининг "Шахсий, ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 743 та, кам таъминланган оилага 703,3 млн. сўм, 27 та кам таъминланган оилага эса бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 31,6 млн. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 151 нафар хотин-қизга 889,2 млн. сўм, пахтачилик билан шуғулланувчи 397 та фермер хўжалигига 2303,3 млн. сўм ва ғаллачиликка ихтисослашган 120 та фермер хўжалигига 108,4 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Банкнинг ҳамма филиалларида мижозлар учун барча шароитлар муҳайё. Биз учун қадрли бўлган мижозларни доимий ҳамкорликка чорлаб, уларнинг талабларини қисқа муддатда ҳал этишга бундан кейин ҳам ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз — тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, харидоргир, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали давлатимиз иқтисодиётига фойда келтириш.

**Толиб МУҲАММЕДОВ,**
**ДАТ "Халқ банки"нинг Бухоро вилояти ҳудудий филиали амалиёт бўлими бошлиғи.** ®

ДАРАКЛАР

### ХХР ЭКСПОРТ БЎЙИЧА БИРИНЧИ



Хитой маҳсулот экспорт қилиш бўйича 2009 йилда дунёда биринчи ўринга чиқди. Бу ҳақда кеча France-Presse мухбири хабар тарқатди.

Ахборотда айтилишича, 2009 йилнинг 11 ойида ХХР корхоналари четга 1,07 триллион долларлик маҳсулот сотган. Хитойнинг асосий рақиби Германияда эса экспорт ҳажми 1,05 триллион долларни ташкил этган.

Жаҳон савдо ташкилоти маълумотларига қараганда, бу кўрсаткич бўйича Хитой 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидаёқ Германияни ортда қолдириб кетган эди. Халқаро валюта фонди прогнозларига кўра, 2010 йилда Хитой ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги иккинчи мамлакат ҳисобланган Япониядан ўзиб кетади.

### ГАИТИДА ЗИЛЗИЛА

Куни кеча Гаитида кучли ер силкиниши содир бўлди. АҚШ Геология хизмати маълумотларига қараганда, зилзила маркази Порт-о-Пренс давлати пойтахти яқинидаги Каррефур шаҳридан 10 километр ғарбда жойлашган. Зилзила марказида ер сикиниш 7-7,3 баллни ташкил этган. Биринчи ер силкинишидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай яна икки марта 5,9 ва 5,5 балли зилзила содир бўлган.

Associated Press мухбири хабарида таъкидланишича, ер қимирлаши оқибатида Каррефур шаҳридаги касалхона қулаб тушган. Порт-о-Пренсда эса президент саройи, кўплаб маъмурий ва аҳоли яшайдиган бинолар вайронага айланган. Маҳаллий аҳоли



ўз кучи билан жабр кўрганларга ёрдам бермоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, ўнлаб одамлар ҳалок бўлган. Тинч океани цунамидан огоҳ этиш маркази яқин атрофдаги мамлакатларни цунами хавфидан огоҳлантирди.

### АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Нью-Йорк суди томонидан асли босниялик бўлган АҚШ фуқароси Адис Медунжанинга нисбатан айблов эълон қилинди. У ўтган йилнинг 11 сентябрь куни Нью-Йоркда террорчиликни амалга оширишга уринганликда айбланмоқда. Тергов давомида аниқланишича, 25 ёшли Адис Покистондаги «Ал-Қоида» лагерида тайёргарликдан ўтган. Лагерда у билан бирга афғон миллатга мансуб фуқаро Нажибулло Зази ҳам бўлган. Ҳозир у қамоққа олинган.

Тергов давомида уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзларига қўйилаётган айбларни рад этди. Аммо полиция вакилининг таъкидлашича, уларнинг қўлида ҳар икки гумондор шахс «Ал-Қоида»нинг Афғонистондаги раҳбари Мустафо Абу ал-Язиддан топшириқ олганини исботловчи далиллар бор.

### «БРАМОС» — ЯНГИ РАКЕТА

Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари 2012 йилда овоздан тез учувчи «БраМос» ракеталарига эга бўлади. Бу ҳақда BrahMos Aerospace Россия-Ҳиндистон қўшма корхонаси раҳбари Сиватхану Пиллаи баёнотига асосланиб, Defence Talk хабар тарқатди. Янги ракетанинг синовлари 2011 йилда бошланади.




«БраМос» корхонаси 2016 йилга қадар мингга яқин турли модификациядаги ракеталар ишлаб чиқаради. Уларнинг ярмидан кўпи учинчи давлатларга сотилади. «БраМос» ракеталарининг максимал тезлиги соатига 3,5 минг километрни ташкил этади. Ҳарбий мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ракеталарни тутиш жуда қийин.

# Тинчлик учун кураш

**Шу ойнинг охирларида Лондонда Афғонистон масаласига бағишланган халқаро конференция ўтказилиши кутилаяпти. Унда қайси давлатлар вакиллари қатнашиши ҳали эълон қилинмаган бўлса-да, манфаатдор томонлар иштирок этиши ва бу юртда тезроқ тинчлик ўрнатиш борасидаги таклифларини ўртага ташлаши аниқ.**

Жафокаш афғон заминида 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён уруш, талатўп давом этмоқда. Бутун бир авлод жангу жадаллар ичида вояга етди. Энг ачинарлиси, шу ўтган йиллар давомида Афғонистон дунёнинг терроризм ва наркобизнес марказига айланди. Бугун жаҳонга тарқалаётган героиннинг салкам 90 фоизи Афғонистонда етиштирилаяпти.

Узоқ йиллик тўполонлар туфайли мамлакатда беқарорлик юзага келди, ҳокимият кучсизланди. Натижада «Ал-Қоида», «Толибон» каби террорчилик ва диний-экстремистик гуруҳлар, жангарилар бу ерга уя қуриб олишди. Бир сўз билан айтганда, Афғонистон ҳақиқий уруш ва можаролар майдонига айланди.

Мана, бир неча йилдирки, Афғонистонда АҚШ бошлиқ бирлашган ҳарбий кучлар турибди. Улар бу юртга кирганда, тез орада Нью-Йоркдаги эгизак биноларни портлатишга бош-қош бўлган Усама бин Лодин ҳамда «Ал-Қоида» ва «Толибон» жангариларининг кулини кўкка совурамиз, деб ўйлашган эди. Аммо ўтган саккиз йил давомида АҚШ минглаб, 2009 йилнинг ўзида эса 300 нафардан кўпроқ аскаридан ажралди. Бирлашган кучлар таркибида Афғонистонга аскарларини олиб кирган мамлакатлар ҳарбийлари ҳам катта талафот кўрди. Буни рақамларда ифодалайдиган бўлсак, 2001 йилнинг октябридан буён Буюк Британия 201 нафар аскарини йўқотди. Биргина ўтган йилнинг июль ойида халқаро кучларнинг 76 нафар, августда 15 нафар аскари ҳалок бўлди.

Йўқотишлар бу билан чекланганий йўқ. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларига эътибор берадиган бўлсак, деярли кунаро мамлакатнинг қаеридадир портлаш содир этилаяпти. Бунинг оқибатида аскарлар, тинч аҳоли ҳалок бўлмоқда. Ўтган йилнинг 30 декабрь куни, ҳамма янги йилни кутиб олишга тайёргарлик кўраётган пайтда Афғонистоннинг Хўст музофотидаги ҳарбий базада бир киши ўзини портлатиб юборди. Бу хунрезлик оқибатида етти нафар АҚШ фуқароси ҳалок бўлди. Кейинчалик аниқланишича, бу фуқаролар АҚШ марказий разведка бошқармаси ходимлари экан. Ушбу иш бўйича текшириш олиб бораётган ҳарбий экспертлар, биринчи навбатда портлашни амалга оширган шахс қандай қилиб белида портловчи модда билан ҳарбий базага кира олди, деган саволга жавоб излашди. Қарангки, бу шахс АҚШлик разведкачилар билан ишлайдиган афғон фуқароси экан. У базага бемалол кирган ва ўзини портлатиб юборган. Американликларни етти разведкачининг ҳалок бўлгани эмас, бир афғон фуқаросининг шунча разведкачини осонгина йўқ қилгани ҳайратга солмоқда.

Бугун Афғонистонда АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатларидан ташқари Канада, Туркия, Украина ва Грузия ҳарбийлари ҳам хизмат қилмоқда. Ўтган ҳафта Босния ва Герцеговина ҳам 100 нафар аскар жўнатишга тайёр эканини билдирди. АҚШ президенти эса ўтган йилнинг 1 декабридаги маърузасида Афғонистон масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Маърузада айтилишича, яқин ойларда Афғонистондаги АҚШ ҳарбийлари сони икки баравarга оширилади ва 70 минг нафарга етади. Кейинчалик эса уларнинг сонини 100 минг нафардан ҳам ошириш кўзда тутилган. Барак Обама шу йўл билан "Ал-Қоида" ва "Толибон" жангариларига зарба бермоқчи. Президентнинг айтишича, 2011 йилнинг ёзида бирлашган қўшинлар афғон тупроғини террорчи ва диний экстремистлардан бутунлай тозалаб, бу юртдан чиқиб кетади.

Обама ўз нутқида Европа Иттифоқи мамлакатларидан Афғонистондаги аскарлари сонини кўпайтиришни сўради. Германия, Буюк Британия, Италия ва Бельгия каби мамлакатлар уч-тўрт минг нафар қўшимча аскар юборишга розилик билдирган бўлса-да, кўрилаётган талафотлар туфайли бу мамлакатлар аҳолиси орасида норозиликлар кучайиб бормоқда. Шунинг учун бўлса керак, яқинда Германия вице-канцлери ва ташқи ишлар вазири Гидо Вестервелле баёнот бериб, агар Лондонда бўлиб ўтадиган конференцияда фақат Афғонистондаги иттифоқчиларнинг қўшинлари сонини кўпайтириш масаласи муҳокама қилинадиган бўлса, бунга норозилик билдиришини айтди. Кўриниб турибдики, Германия Афғонистонда ҳарбий кучларни кўпайтириш тарафдори эмас.

Конференцияда яна қандай таклифлар ўртага ташланиши, ҳозирча номаълум. Лекин бир нарсани унутмаслик лозим: бу ўлкада куч ишлатиш билан тинчлик ўрнатиш қимматга тушиши, кўплаб инсонларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси**

*муътабар юртимизнинг мусаффо осмонини, элимизнинг тинч-осойишталиги ва бунёдкорлик ҳаётини қўриқлаб турган юртимизнинг мард ўғлонларини Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади.*

*Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлик, шижоат ва хуш кайфият, ҳарбий тайёргарликда янгидан-янги ютуқлар тилаб қоламиз.*




**"Жиззах пластмасса" ОАЖ жамоаси**

*Ўзбекистоннинг ботир ва жасур ўғлонларини 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан табриклайди.*



ЖАРАЁН

# БУНЁДКОРЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

**Дунёнинг катта-кичик мамлакатларини молиявий-иқтисодий жиҳатдан таҳликага солган 2009 йил поёнига етиб, жаҳон аҳлининг янги орзу-умидлар, эзгу ниятлар билан янги — 2010 йилга қадам қўйганига ҳам икки ҳафта бўлди. Ўтган йилда амалга оширилган ишларга якун ясаш, ютуқлар ва камчиликларни таҳлил қилиб, истиқбол режаларини белгилаш палласи бошланди.**

**Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, дастлабки сарҳисоблар бунёдкорлик руҳи билан яшаётган ўзбек халқининг барқарор тараққиёт йўлидан дадиллик билан олға бораётганини, жаҳон инқирози туфайли пайдо бўлган қийинчиликларни мардонавор бартараф этиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда изчил ўсишга эришаётганини кўрсатмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида: “Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.” — дея таъкидланади.

Бундай қувончли ютуқларга минглаб саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари жамоалари, заҳматкаш деҳқонлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон аталмиш мамлакатнинг буюк келажагини яратишга азму қарор қилган барча юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, изланиш ва интилишлари туфайли эришилди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Айниқса, 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланиши муносабати билан қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мақсадида махсус Давлат дастурининг қабул қилингани аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида катта имкониятларга йўл очди.

Айниқса, бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизни замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштириш, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, “Қишлоққурилишлойиҳа” институтини ташкил этиш бўйича қабул қилган қарори ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Натижада “Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан шу йилнинг ўзида икки хонадан 5 хонагача бўлган якка тартибдаги замонавий уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, улар бўйича қурилиш ишларини бошлаш тавсия этилди.

“Қишлоққурилишинвест” инжиниринг компанияси ушбу лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан марказда ва жойларда ўз фаолиятини бошлаб юборган бўлса, янгидан ташкил этилган “Қишлоққурилишбанк” акциядорлик тижорат банки бунёдкорлик ишларини молиялаштириш, якка тартибда уй-жой қураётган ҳамюртларимизга хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Яъни 2009 йилнинг ўзидаёқ ушбу банк томонидан қишлоқ жойлардаги қурилиш ишларига 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

2010 йилда эса қўшимча равишда яна 530 миллиард сўм, жумладан, давлат томонидан 256 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилгани ҳам бунёдкорлик ишларининг кўлами йил сайин кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ажратилган майдонларда бунёд этилаётган ва келгуси йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган 840 та якка тартибдаги уйлар эксперимент характерига эга бўлиб, уларни ҳар бир минтақада яшайдиган юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида янада такомиллаштириш, аҳолининг диди ва талабига мослаштириш назарда тутилган.

Белгиланган режага кўра, 2010 йилнинг август ва сентябрь ойларида 7 минг 630 та оила янги уйларда ҳовли тўйларини нишонлашга мушарраф бўлади.

Замонавий коммунал-муҳандислик тармоқлари билан таъминланадиган янги турар-жой мавзеларида аҳолига ҳар томонлама қулай шароит яратиш мақсадида болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар барпо этилади.

Юртимизда биргина 2009 йилда 1975 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, шундан 1622 таси, барпо этилган 214 та акдемик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 170 таси қишлоқ жойларда эканининг ўзи ҳам диққатга сазовордир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, қишлоқларимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида 100 миллиард сўм маблағ янги йўлларни қуриш ва мавжудларини кенгайтиришга сарфланди, 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқлари таъмирланди, тикланди, кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди ва 50 километр узунликдаги каналлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу ишлар учун 81 миллиард сўм сарфланди. Мелиоратив ҳолати ва сув таъминоти яхшиланиши натижасида ерларнинг унумдорлиги ошиб, дон, пахта етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида шартнома мажбуриятлари ошириб адо этилди.

Биргина сервис соҳасининг ривожлантирилиши натижасида ўтган йилнинг ўзида қишлоқ жойларда 380 мингта, жами 460 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ аҳлининг саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам изчил иш олиб борилди. Ўтган йили туманлар марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион долларга тенг бўлган тиббий анжомлар, 44 та “УАЗ” санитария машинаси ва 280 та “Дамас-амбуланс” тез ёрдам машинаси билан таъминлангани, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория жиҳозлари етказиб берилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Юртимизда қарор топган анъанага кўра, 2010 йилга “Баркамол авлод йили”, деб ном берилиши халқимизнинг орзу-умидларига мос тушди. Бу ташаббусни барча юртдошларимиз зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Республикамиз Президенти Ислом Каримов айтганларидек, ”...табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради”.

Маълумки, жисмоний саломатлик маънавий камолотнинг пойдеворидир. Шунинг учун ҳам 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси учун давлат бюджетидан ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз кўп, аниқроғи, 1 триллион 700 миллиард сўм ажратилгани ҳам мамлакатимизда инсон соғлиғига таъсир этадиган омилларнинг олдини олиш, медицина хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг меҳнатини рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Жаҳондаги бирорта давлатда таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимига эътибор Ўзбекистонимиздаги даражага кўтарилмаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг исботини 2010 йилда ҳам давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи ушбу соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилгани кўрсатиб турибди.

Таълим тизимининг сифатини ошириш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва адабиётлари сифатини яхшилаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш “Баркамол авлод йили”даги устувор вазифалардан бири қилиб белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганларидек, “Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш масаласига принципиал аҳамият берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор.”

Жорий йилдан бошлаб энг илғор, энг истиқболли илмий изланиш ва тадқиқотларни юртимизда ривожлантириш, илм даргоҳларини замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, энг иқтидорли ва истеъдодли ёшларни бу ишларга сафарбар этиш мақсадида Фан ва технологияларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли валюта маблағлари билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда ҳам ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган биринчи галдаги вазифалардан бири қилиб қўйилмоқда.

Маълумки, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланган маънавий олами юксак ёшлар чин маънода эл-юртининг ишончи ва таянчи бўлади. Бу эса мураккаб ва таҳликали замонда фарзандларимизнинг онгини ва қалбини миллий хусусиятимизга ёт бўлган турли ахлоқсизликлардан, гиёҳвандликдан, четдан кириб келадиган “оммавий маданият” ниқобидаги таҳдид ва хатарлардан асрашга мунтазам эътибор беришни тақозо этади. Шу боисдан 2010 йилда ҳам маънавий-маърифий соҳани янада ривожлантириш доимий диққат-эътибордаги масала бўлиб қолаверади.

Бошқача қилиб айтганда, “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ёш авлодни чинакам комил инсонлар этиб вояга етказишда шу пайтгача амалга оширилган эзгу ишларнинг давоми, айни пайтда келгусидаги улуғ ва улкан режаларнинг дебочаси бўлади.

**Бахтиёр РИЗО**

*Конституциямизда инсон, унинг ҳуқуқи, шаъни энг олий қадрият сифатида тан олиниши ва инсон омили биринчи даражага кўтарилиши Бош Қомусимизнинг инсонпарварлик қудратидан далолат беради. Ана шундан келиб чиқиб, республикамизнинг барча соҳа, тармоқ, жабҳаларини бошқаришда зарур бўлган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормаларига, руҳига, йўналишига мос ҳолда қабул қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, у мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Яъни умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳужжат десак ўринли бўлади.*

## Жамият фаровонлиги ҳамда тараққиёт кафолати

Асосий қонунимизнинг 60 га яқин моддаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишлангани фикримиз исботидир. Унинг мазмун-моҳиятида, аввало, инсон омили мавжуд бўлиб, унда энг олий қадрият сифатида инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари эътироф этилган. Конституциямизда мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими жорий этилгани акс эттирилган. Шунингдек, жамиятнинг иқтисодий негизларини бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баробар муҳофаза этилиши, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида экани эътироф этилган.

Мамлакатимизнинг давлат қурилиши тизимидаги талайгина ўзгаришлар ҳам Конституцияда ўз аксини топди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ягона ҳукмрон мафкурадан ва фақат синфийликка асосланган тамойилдан воз кечилгани, умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси бўлмаслиги, матбуот ва ахборот эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслик мустаҳкамланган.

Шу билан бирга Конституциямизнинг 31-моддасида барча учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслик мустаҳкамланди. Дин давлатдан ажратилган. Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Сабаби, ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Қонун устуворлиги таъминланган демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларни уни чуқур ўргангач, бартараф этиш мумкинлигини унутмаслиги зарур.

**Ойбек ҒАНИЕВ,**
**Тошкент давлат юридик институти талабаси.**

ҲУҚУҚ

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, демократик принцпларга асосланган ҳуқуқий ва адолатли жамиятни шакллантиришнинг асосий шарти сифатида фуқаролик жамиятининг Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази каби институтлари ташкил этилиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармалари ташкил этилиб, фуқароларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Адлия вазирлиги таркибида ташкил этилган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ташкил этилган шундай бўлимлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини амалга оширишда бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайдиган бошқа органларнинг ваколатларини бекор қилмайди ва такрорламайди. Аксинча, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича мавжуд воситаларни тўлдиради.

Адлия идоралари томонидан ўзларига юклатилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари билан бир қаторда фуқароларнинг Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилгани тўғрисидаги мурожаатларини ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани аниқланган тақдирда, уларни суд орқали тиклаш ҳамда қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга тақдимномалар киритиш чоралари кўрилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол равишда бузилган ҳолларда эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки судларга мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя қилиниши доимий равишда ўрганилиб, қонунларни бузган мансабдор шахсларга тегишли таъсир чоралари қўлланилмоқда.

Жумладан, аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мақсадида ўтган йилда тегишли идораларга 66 та тақдимномалар киритилиб, ҳуқуқбузар шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд ва бошқа ваколатли органларга 7 та таклифлар киритилди. Кўрилган чоралар натижасида 9 нафар ҳуқуқбузар шахс маъмурий жавобгарликка, 119 нафар айбдор интизомий жавобгарликка тортилди. Давлат бошқаруви органлари ва бошқа идораларнинг 20 дан ортиқ қарор, буйруқ ва бошқа ҳужжатлари бекор қилинди ҳамда фуқароларга 347 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақи, пенсия ва бошқа тўловлар ундириб берилди. Фуқаролар манфаатини кўзлаб киритилган 92 та даъво аризалари бўйича суд қарорлари асосида 46 млн. сўмдан ортиқ иш ҳақи ҳамда 3 млн. сўмга яқин моддий ва маънавий зарар ундирилди. Масалан, Иштихон туманининг “Кўктепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Кўшоқовнинг ишдан ғайриқонуний бўшатилгани тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактаб директори номига киритилган тақдимномага асосан мактаб директорининг 2008 йил 2 сентябрдаги Б.Кўшоқов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 1-сонли буйруғи бекор қилиниб, 2009 йил 11 февралдан у аввалги ишига тикланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, юртимизда инсон ҳуқуқи ва манфаати ҳуқуқий ислоҳотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, шунингдек, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бундан кейин ҳам адлия идораларининг асосий вазифаси бўлиб қолаверади.

**Абдиҳамид ТАМИҚАЕВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бўлими бошлиғи.**

Таҳририятга хатлар

### Кўзларига ёш қалқди

Ҳамкасбим Абдумутал домла бир воқеани шундай ҳикоя қилганди: яқинда онаси оламдан ўтиб, ғамдан анча эзилиб қолган ўқувчим хомушлик билан савол бериб қолди:

— Қарзи бор одамнинг ўтиб кетган қариндошлари руҳига қилган дуоси ижобат бўлмас экан. Шу тўғрими?

— Ҳа, албатта.

— Анча йил олдин синфимизда битта партанинг устида қолиб кетган ручкани топиб олгандим. Қарасам, бир томони сариқ, бир томони қизил ёзадиганидан. Ҳеч кимга индамай сумкамга солгандим. Аксига олиб, ҳеч ким ручка йўқотдим, демади. Шу ҳам ўғриликка кирадими?

— Ҳа, киради.

— Энди нима қиламан? Орадан анча вақт ўтган бўлса, эгасини топа олмайман-ку!?

— Бугун ўшандай ручка сотувда қанча турса, шунча пулни “қарзимдан қутулиш учун” деган ният билан бирор муҳтож одамга берсанг бўлаверади.

Бечора ўқувчи роса чўкиб кетган экан. Ўйлантираётган муаммосининг ечими топилганини эшитгач, бирпасда чеҳрасидаги ғам-андуҳ тарқалди. Кўзларига билинар-билинмас ёш қалқди.

**Турсунали ЮСУПОВ**
*Риштон тумани.*

### Ватан тупроғи

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Кўча четидаги йўлакда беш-олти йигит қур олиб туришар, ўтган-кетган йўловчига гап отиб қўйишарди. Улардан бири ўтиб бораётган қизга эргашди.

— Яхши қиз, сизда Ватан тупроғи борми?

Қиз шу заҳоти, ўйлаб ўтирмай: — Йўқол-е! — деди-да, нари кетди.

— Сизда Ватан тупроғи борми? — бошқа қизни гапга тутишди улар бирпасдан кейин.

— Гуля, Гуличка, — ҳамроҳини илдамроқ юришга ундади қиз, — ҳаво етишмаяпти.

Сал соддароқ эканми, “Нима у?” — деб сўради қизлардан бири ҳеч нарсани англолмай.

— Наҳотки Ватан тупроғини билмасангиз?.. Боболардан қолган, бизлардан ҳам қолади.

— Билмадим. Йўлимни тўсманг!

— Билмасангиз, билиб қўйинг! Мана бу — Ватан тупроғи...

Йигит чўнтагидан носхалтасини олди... Қизлар билан танишишнинг бу антиқа усулига маҳлиё бўлиб қолган эканман, устимга муздек сув қуйиб юборишгандек бўлди.

Хорижда истиқомат қилаётган ўзбеклар хонадонида меҳмон бўлган бир танишим ўз таассуротларини кўзида ёш билан айтиб берганди: “Чет элдаги ватандошимиз уни ижодхонаси томон бошларкан, кираверишда эшик тепасига осиб қўйилган кафтдек туморни кўзига суртди-да, сўнг ичкарига қадам босди. Разм солиб қарасам, унга заррин иплар билан “Ватан тупроғи” деб ёзилган эди. Суриштирсам, бу одам қатағон йилларида Ватандан чиқиб кетаётганида олган бир сиқим тупроғини шунча йиллардан буён кўз қорачиғидек асраб келаркан”.

Бугун энг олий туйғуларни эрмак қилаётган юқоридаги каби айрим ёшларни кўриб, гарчи улар камчиликни ташкил этса-да, ачиниб кетдим.

**Сарвар ТЎРАЕВ**
*Тошкент шаҳри.*

### Қўғирчоқ ва маънавият

Бола тарбияси ва унинг маънан баркамол бўлиб вояга етишида улар ўйнайдиган ўйинчоқларнинг ўзига хос ўрни бор. Боиси, улар болаларнинг характери шаклланишида муҳим ҳисобланади. Аммо энг ташвишланарлиси, болаларнинг севимли ўйинчоқлари бўлган тўппонча, пичоқ, автомат каби ҳар хил жанг қуроллари компьютерлаштирилди. Бугун виртуал оламдаги “жонланган” ўйинчоқлар ёш болаларнинг онгини заҳарламоқда.

Ёш қизалоқларнинг кийимларига назар ташлаганимизда ҳам уларнинг “барби” қўғирчоғидек (лямка, шим, тор шортиклар) кийиниб, унга тақлид қилишаётганини сезиш қийин эмас.

Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили дунёда порнографик суратлар ва фильмлар тарқатадиган сайтлар 100 млрд. доллардан зиёд даромад олган. Бу сумма ўргатиш, ўқитиш дастурлари тарқатадиган расмий сайтлар даромадидан тўрт-беш баробар ортиқдир. Порнографик сайтлардан фойдаланадиган ёшларнинг аксарияти 12-17 ёшли ўсмирлар экани эса жуда ташвишланарлидир.

Ҳар қандай моддий неъматлар билан савдо қилувчилар бозори мавсумий бўлади. Бироқ компьютер ўйинлари бозори мавсум танламайди. Ушбу таҳликали ҳолатларнинг олдини олиш учун оила, мактаб, маҳалла бир ёқадан бош чиқариб курашмоғи лозим.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ**
*Қўқон шаҳри.*

САБОҚ

# МУХБИР ҚАЙСИ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛМОҒИ ЗАРУР?



*Таниқли журналист Фармон Тошев муштарийларга жуда яхши таниш. Яқинда пойтахтимиздаги "Тафаккур" нашриётида публицист адибнинг "Мен англаган ҳақиқат", "Мухбирлик сабоқлари" номли китоблари нашр этилди. Ундан муаллифнинг турли йилларда мамлакатимиздаги газета ва журналларда чоп этилган мақолалари, давр руҳини, муаммолари ва ютуқларини ўзига жо этган публицистик чиқишлари, фалсафий мушоҳадалари ва қайдлари ўрин олган. Айтиш жоизки, бу мақолаларнинг анчагинаси "Hurriyat" газетасида ҳам чоп этилган. Улар, аввало, матбуот ҳақида, соҳанинг шарафли ва залворли меҳнати ҳамда назариядан кўра амалиёт тўғрисида экани билан ҳам аҳамиятлидир.*

*Қуйида "Мухбирлик сабоқлари" китобидан ўрин олган "Мухбир қайси фазилатларга эга бўлмоғи зарур?" деб номланган мақолани эътиборингизга ҳавола этаяпмиз. Тажрибали журналист англаган ҳақиқат ва йиллар тажрибасини ўзига сингдирган журналистика сабоқлари ҳақидаги бу кузатувлар, айниқса, мухбирлик касбини эндигина бошлаган ёки келажакда журналист бўлишни орзу қилаётган ёшларга асқотади, деган умиддамиз.*

### 1. ҚИЗИҚУВЧАНЛИК

Айтайлик, бирор хўжаликдан иқтисодий мавзуда мақола ёзиш керак. Нафақат хўжалик бўйича, балки ҳар битта фермер фаолияти юзасидан маълумот олинг. Иложи бўлса, бирорта хонадон даромадини ўрганинг. Деҳқонларнинг китоб, газета ўқиши, телевизор кўриши, маданий тадбирларда қатнашишини сўраб олинг. Ён дафтарга ҳар бир суҳбатдош ҳақида кўпроқ маълумот йиғинг.

Бир латифа эшитгандим. Идора раҳбари ҳисобчи олмоқчи бўлибди. Иккита даъвогар бор экан. Аввал биринчисини вокзалга юборибди.

— Мана паспорт, пул. Тошкентга эрталабки поездга чипта олиб кел.

Йигит ярим соатда қайтиб келибди.

— Хўжайин, ўша поездга чипта йўқ экан. Бир танишим бор эди. У ҳам ҳал қила олмади.

Раҳбар ўша топшириқ билан иккинчи йигитни юборибди. У ҳам ярим соатда қайтиб келибди.

— Чипта ҳақиқатдан ҳам йўқ экан. Етти ярimда иккинчи, саккиз яримда учинчи поезд бор экан. Биринчиси Тошкентга ўн икки яримда, иккинчиси эса бир яримда етиб боради. Чипта нархи оддий вагонга 10 минг сўм, купега 13 минг сўм. Ҳар эҳтимолга қарши, иккинчи поездга купе вагонга битта чипта брон қилиб келдим.

Раҳбар шу йигитни ишга олибди. Менимча, бу усулни журналистикада ҳам қўлласа бўлади.

Бизда Сулаймон Ҳусаинов деган мухбир ишлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. Ҳозир нафақада. Бирор туманга бориб келса, ўша ердан бир ой давомида турли мавзулардаги мақолалари чиқиб турарди. Бугунги кунда Акрам Ҳайдаров, Манноб Ибодуллаев сингари ҳамкасбларимизда ҳам шу хислатни кўраман.

### 2. ТАДБИРНИНГ АСЛ МАҚСАДИНИ АНГЛАБ ОЛИШ. БУНИ ЗУККОЛИК ДЕСАК ҲАМ БЎЛАДИ

Кўпинча тележурналистлар анжуман бошидаёқ интервью олиб, бир-икки дақиқалик лавҳа тушириб, жўнаб қолишади. Аммо газетачиликда бундай усул ярамайди. "Пресс-релиз" ўз йўлига. Лекин мухбир ҳамманинг гапини эшитиши, атрофдагиларнинг мулоҳазасини билиши шарт. Сўзга чиқувчилар урғу берган муаммони ажратиб олиши ва уни шарҳлаши даркор.

### 3. МАВЗУГА ОИД КИТОБ, ҚЎЛЛАНМА ВА МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИБ ЧИҚИШ, МУТОЛААДАН ЭРИНМАСЛИК

Бу иш қийин эмас. Фақат сабр-қаноат, иштиёқ керак. Масалан, мен халқ мақоллари, энциклопедия ва ҳатто шеърий китобларни мунтазам ўқиб бораман. Бадиий асарлардаги айрим лавҳа, ибораларни мақолага сингдиришга интиламан. Гоҳида улардан яхшигина сарлавҳа ҳам чиқади.

Масалан:

а) "Жаннат қидирганлар"

ёхуд замонавий муҳожирларнинг аянчли қисмати хусусида;

б) "Сенга инсоф берсин, учинчи одам"

ғийбатга берилган эркакларга деганларим;

в) "Бойлар ҳам йиғлайди"

уларни оқибатсиз фарзандлари шу кўйга солаётир;

г) "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним"

ёки коммунал тўловдан қочиб юрганлар кимлар?

"Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?", "Биз нечун севамиз Ўзбекистонни?", "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукур" сингари иборалар айрим доимий саҳифаларнинг шиорига айланиб улгурди.

### 4. ХОЛИСЛИК

Халқ нақлида "Жаҳл чиқса — ақл қочар" деб бежиз айтилмаган. Нимани ёки кимнидир ёмон кўрганимиз, яхши муомалада бўлмагани учун танқид қилиш ярамайди. Ва яна айнан илтимос ёки бировнинг илтимоси учун мақтов ёки танқидий мақола ҳам обрў келтирмайди.

Менимча, мухбир ўзи яшаб турган ҳудуд ҳақида камроқ ёзгани маъқул. Мақтовда ҳам, танқидда ҳам ортиқча эҳтиросга берилиши табиий.

### 5. ЖУРНАЛИСТ ЭТИКАСИ

Бу нарса блокнот, ручка, диктофон, имкон борича фотоаппарат олиб чиқишдан бошланади. Агар борган идорангиз раҳбарига яхши салом-аликдан сўнг йўлланма ёки саволномани кўрсатсангиз, ишингиз осон кечади.

Яшириб нима қиламиз, айрим ҳамкасбларимиз ҳоким ёки назоратчига ўхшаб тутади ўзини бундай ҳолларда. Ёки аксинча, мулоқотда ташаббусни суҳбатдошига бериб қўйиш, яъни қаҳрамонингизнинг оғзидан чиққанини ёзиш ҳам маъқул иш эмас.

Танқид ёзмоқчи бўлсангиз ҳам муомалани яхши қилинг. Иложи борича, қаҳрамонингиз ёки идора раҳбари билан учрашиш юзасидан аввалдан келишиб олинг — уялиб қолмайсиз. Унутмангки, уларнинг Сиздан бошқа ташвишлари ҳам бор.

Пухта мухбир ҳар бир хулосани ҳужжат билан асослаб олади. Ҳатто оддий маълумотномага ҳам имзо чектириб олинг.

Мухбир ҳар қандай таҳлил, суҳбатни жойида қилмоғи лозим. Қаҳрамон ёки раҳбарни, мақолага тегишли одамларни кабинетга чақиришдан тийилинг. Бундай ҳуқуқ сизда йўқ. Бундай ҳолатда Сиз аҳолининг матбуотга бўлган ҳурматини тушириб қўясиз.

Эсингизда сақланг: ким бўлишидан қатъи назар, Сизга "мурувват" кўрсатган ёки илтимос қилган одам бу гапни, албатта, кимгадир айтади. "Илтимос, ёрдам берингизлар, харажатларингизни кўтараман" деган гап бизнинг фаолиятга мутлақо тўғри келмайди.

Асабингиз қақшаган чоғда ҳам "Ҳали кўрасиз!" қабилидаги фикрдан йироқ юринг.

### 6. МУАЛЛИФ БИЛАН ИШЛАШ

Газетани газета қиладиган бу — муаллифлар. Улар доираси қанча кенгайса, яхши мақола шунча кўпаяди. Тахминий ҳисоб-китобимга кўра, 30 нафар муштарийнинг биттаси, албатта, таҳририятга хат ёзиб туради.

Аввало, ўзингизга бириктирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар рўйхатини тузинг. Уларга мавзулар бериб кўринг. Ёза оладиганлари ажралиб қолади. Ана ўшалар билан деярли ҳар ойда учрашишга ёки мулоқотда бўлишга интилинг. Яхши мақоласи чиққанда табриклаб қўйинг. Маъмурият олдига уларни рағбатлантириш масаласини қўйишдан тортинманг.

### 7. ҲАМКАСБНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ

Бу жуда муҳим. Рақобат деганда фақат курашишни тушунманг. Бирга ишлайсизми, бошқа жамоаданми, қатъи назар, ҳамкасбларнинг яхши жиҳатларидан ибрат олинг. Ўшалардай ёзишга интилинг. Кўнглингизга маъқул тушган мақолалар ҳақида муаллифга ширин гап айтинг. Қайтар дунё: худди шу муносабатни Сизга ҳам қилишади.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Самарқанд вилоят "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири.**

АВВАЛИ

# Бир қўқондлик толиби илмнинг хати

1890 нчи йилда 23 нчи март ойинда Тошканд шаҳридаги подшоҳлик мадраса, йаъни ўғул болалар ўқуйдурғон гимназийанинг бошлиғи ижозати бирлан қўқондлик камина Зокиржон Фурқат ва Ҳожи Зуҳур ул гимназийани кўруб тамошо қилдуқ. Дафъатан ул жаноб мазкурнинг таклифлари илан гимназийаға кириб омонлашиб марҳамат айлаб ўзлари йўл бошлаб сабиқан илм (илгариги илм) хосийати бирлан бино бўлғон ҳикматхонадағи асбобларни кўрсатди. Анинг тамошосида бизларға кўб ҳайратлар йузланди ва ақлимиз лол бўлди. Густоҳлиқ йузидин баъзи асбоб ва ашйоларни сўрадук. Ҳақиқатни байон қилиб тушунтирдилар. Амо ҳама асбоб ҳикматлар батафсил сўрамоққа мазкур жанобдин ибо қилдуқ. Андин чиқиб дарсхоналарни тамошо қилдуқ. Аввалғи кирган дарсхонамизда йунон тилида илм ўқуб турғон болаларни кўрдук. Андин кейин кўрулгон дарсхонада лотин тилида ўқурлар экан. Андин кейин бир дарсхонада ўрус тилида илм таҳсил қилурлар экан. Ва йана бир дарсхонада немис тилида илм таҳсил қилурлар экан. Ва йана бир дарсхонада жаҳоннома (география) илмини таҳсил қилурлар экан. Ул мадрасада ҳама дарсхона тўқуздур. Мазкур шогирдларнинг зеҳнини очмоққа дарсхоналарға батадриж интиқол (ўтиш) қилдуруб таълим берурлар эканлар. Бу хусусда афсус қилдуққи бизни ўткан хонларимиз бу тариқа илм ва низомға кушиш (ҳаракат) қилдурсалар эрди то бу дам халқимиз кўб илмдин баҳраманд бўлуб эрди. Бу бобда бирмунча калом назм риштасиға тортилди.

**"Туркистон вилоятининг газети"**
***11 април 1890 йил.***

**Нашрга тайёрловчи:**
**Аъзам УМАР**

TURON BANK

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"ТУРОН" БАНК

муқаддас заминимиз ҳимоячиларини

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

**БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ ФОИЗ ОЛИШНИ ИСТАГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА**

*вақтинча бўш турган маблағларни "ТУРОН" банкнинг юқори ликвидли активлари билан кафолатланган депозит сертификатларига жойлаштириш имконини беради.*
*Бу орқали Сиз ўз маблағларингизни юқори фоизли даромад манбаига айлантиришингиз ҳамда ушбу қимматли қоғозлардан қўшимча молиявий инструмент сифатида самарали фойдаланишингиз мумкин.*

**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ ШАРТЛАР АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

| Муддати | Номинал | Фоиз ставкаси %да (йиллик) |
| --- | --- | --- |
| 8 ойга | 50 000 000 | 13 |
| | 100 000 000 | |
| 14 ойга | 50 000 000 | 14 |
| | 100 000 000 | |
| 36 ойга | 100 000 000 | 15 |

Қўшимча маълумотларни (+998 71) 244-12-74, 244-25-81 телефонлари ёки www.turonbank.uz сайти орқали олишингиз мумкин.



Бойсун тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси

**14 январь— Ватан ҳимоячилари куни билан юртимиз сарҳадларида хизмат бурчларини мардонавор ўтаётган барча ҳарбийларни қизғин табриклайди. Хонадонларидан файзу барака, хотиржамлик аримаслигини тилайди.**

*Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*



# МАЪНАВИЯТ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

## КОРИЗ — ХАЛҚ ЗАКОВАТИ МАҲСУЛИ

*Ғаллаорол туманида булоқ сўзи асосида яратилган номлар анчагина: Қашқабулоқ, Булоқбоши, Кўкбулоқ, Узунбулоқ, Зарбулоқ, Авлиёбулоқ, Совуқбулоқ, Тошбулоқ, Терсбулоқ... Бу номлар шунчаки булоқларга нисбатан айтилмайди, балки ҳудуддаги қишлоқлар, хўжаликлар шундай аталади. Сўзларнинг моҳияти туман аҳолисининг турмуш тарзи билан боғлиқ.*

Бу ерда сувга, хусусан, булоқларга эҳтиёж катта. Ғалланинг асосий қисми лалми жойларда етиштирилади. Аҳоли экинини суғоришда, қолаверса, ичимлик суви сифатида асосан булоқларга суянади. Туманда сув жуда қадрли. Шоди Мусулмонов, Тўйчи Худоёров сингари раҳбарларнинг замонавий каналлар қазилишига бош-қош бўлиб, аввал лалми бўлган майдонларни суғорганини эл дуо қилиб эслашининг сабаби ҳам шунда!

Шу ўринда Қайроқчи деган жойда чиқадиган булоқ сувини қирлар, адирлар орқали ҳовлисига келтириб, боғ яратган Абдужалил ака Темировнинг номини ҳам тилга олмоқ жоиз. Абдужалил ака тоғ ён бағирларига беҳуда сингаётган обиҳаётдан боғ яратишга фойдалана билди.

Ғўбдинсойда 10 гектарлик боғ яратган Соат Ирисбоевни ҳам унутиб бўлмайди. Уруш ва меҳнат фахрийси, 70 ёшли отахон булоқ сувини тўплаб, тоғ бағрида мўъжазгина сув омбори қурди. У куз ва қиш ойларида булоқларнинг сувини тўплаб, суғориш керак бўлган пайтда уни янги экилган ниҳолларнинг илдизига йўллади. Шундай қилиб, каттагина боғ юзага келди. Ҳозирда бу боғда "Қизил китоб"га кирган ўсимликлар етиштирилмоқда. Боғнинг атрофи ўралган, чорва моллари томонидан пайҳон этилишига йўл қўйилмайди. Мақсад сувнинг ҳар томчисига эҳтиёж кучайган, сув билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар юзага келган даврда обиҳаётга бўлган муносабатимизни ижобий томонга ўзгартиришга даъват этишдан иборат.

Сувни ифлослантираётган, ичимлик сувини маиший эҳтиёжларига ишлатаётган одамларни сергаклантирувчи баъзи маълумотларни эслаш фойдадан холи бўлмас. Масалага жаҳон миқёсида қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда сайёрамизнинг 30 фоиздан ортиқ аҳолиси тўйиб сув ичмаётгани бизни бефарқ қолдирмайди. Худога шукур, республикамизда бундай муаммо йўқ. Аммо "муаммо йўқ экан-у", — деб тоза сувни ифлослантираверишь ҳам инсофдан эмас. Халқимиз азалдан тўрт унсурнинг бири бўлган сувга жуда катта меҳр ва эътибор билан қараган. "Дарёнинг ёқасида бўлсанг ҳам сувни исроф қилма!" деган ўгит ҳам фикримизнинг исботидир.

Халқимиз сувни азал-азалдан жуда қадрлаган. Айниқса, кориз қудуқларини ўйлаб топганларнинг ақлий салоҳиятига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Бу ихтиронинг тарихий излари тумандаги "Кориз қудуқ" қишлоғида ҳали ҳам мавжуд. Туман марказидан 60-70 километр узоқликдаги кенгликларда бу иншоотларнинг бундан 3-4 аср илгари бунёд этилгани кишини ҳайратга солади. Бундан анча йиллар илгари аждодларимизнинг бундай сув йўлларини ихтиро қилганини меҳнат фахрийси Хидирбой Маматқулов шундай изоҳлайди:

— Янтоқ яхши ўсган ер тубида, албатта, сув кўп бўлади. Ана шу сув илдизи 40-50 метр чуқурликкача кетадиган янтоқнинг яшаши учун озуқа бўлганини ота-боболаримиз яхши билишган. Улар қир ён бағридан пастликка қараб, қатор қудуқлар ковлашган. 10-15 та қудуқ ковлангач, охирги қудуқдан сув равон оқа бошлаган. Аждодларимиз шу сув ёрдамида уй-жой қуришган, деҳқончилик қилишган, чорва молларини боқишган. Ҳозирда 1,5-2 минг аҳоли яшаётган мазкур қишлоқ шу йўсинда вужудга келган. Бу ерда яшовчилар сувни асрашни, авайлашни яхши билишади.

Нақ даштнинг ўртасидаги ям-яшил қишлоқнинг нигоҳингизни яшнатиши чиндан ҳам ҳайратланарли ҳолат. Чанқоғингизни босиш учун бир коса муздай сув муҳайё!.. "Кориз қудуқ"даги мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Шакарбоев халқимизнинг осори-атиқаларига, кашфиётларига жуда қизиқади, уларга оид материалларни ўқиб-ўрганишдан чарчамайди.

— Кориз бир неча қудуқни бирлаштириш дегани, — дея гап бошлади у. — Биринчи қудуқда тўпланган сув босим остида пастдаги иккинчи қудуққа оқиб келади. Кейин учинчисига, тўртинчисига ва ҳоказо!.. Бизга ҳаёт учун зарур бўлган шундай иншоотларни мерос қилиб қолдирган аждодларимиз заковатига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Бу мақолани ёзишдан асл мақсадимиз сувнинг тенгсиз неъмат эканини таъкидлашдир. У қудуқда бўладими, дарёлар-у, ариқлардами ёхуд коризлардами, унинг софлигига раҳна солмаслик лозим. Зотан, табиатнинг ушбу буюк инъоми тириклигимиз манбаи сифатида ҳамиша қадрланмоғи керак.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

СУҲБАТ

Кўпларга ибрат бўлгулик ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, профессор Назар Тўраев билан суҳбатлашишни анчадан бери ният қилган эдим. Домлани йўқлаб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Илмий-ўқув марказига борганимда, у киши дастлаб газета учун суҳбатлашишни нокамтарлик бўлар, дея унамадилар. Аммо болалик хотираларини эслатувчи савол берганимда самимийлик билан гурунглаша кетдилар:

— Ҳа, болалик энг беғубор, энг маъсум дамлар. Менинг гўдаклик чоғларим Сурхон воҳасининг Денов туманидаги сўлимгина Чуқур қишлоғида ўтган. Қишлоқ жойларда одамлар ёз бўйи, ҳатто октябрь ойигача ҳовлидаги супада ётишади. Мен ҳам қоронғи тунда осмонга тикилганча ётарканман, табиатдаги ҳодисаларни, юлдузларнинг учиши, уларнинг сони қанчалигини билишга жуда қизиқар эдим. Наҳотки бир жойда етти, саккиз, ўнта юлдуз ғуж бўлиб турса-ю, тўқнашиб ё ажралиб кетмаса? Улар биздан қанча узоқликда жойлашган ўзи? Осмоннинг туби борми? Шу каби саволлар мени тинч қўймасди, улар ҳақида отам билан баҳслашардим. Ундан кўп нарсаларни ўрганар эдим. Мактабнинг юқори синфларига ўтганимда эса табиат ҳодисалари ҳақида илмий маълумотларга эга бўла бошладим.

Мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетининг физика бўлимига ўқишга кирдим. Охирги босқич талабаси бўлганимда академик Убай Орипов университет талабалари билан учрашув ўтказди ва у киши менга Фанлар академияси Ядро физика институтида таҳсил олишни давом эттиришимни маслаҳат бердилар. Менинг илмий фаолиятим ана шу ерда бошланди, десам, хато бўлмас.

***— Домла, сизнинг илмий ишларингизни нафақат юртимиздаги, балки дунёнинг бир қатор мамлакатларидаги физиклар ҳам яхши билишади. Аммо ҳамма ҳам "Тўраев назарияси", "Тўраев эффектлари" каби ибораларнинг ва сиз яратган бошқа янгиликларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етавермайди. Шу боис баъзи илмий ишларингизни халқчил тилда баён қилсангиз.***

— Биринчи илмий мақолам атом зарралари ва ионларнинг қаттиқ жисм сиртларида сочилиши назарияси ҳақида бўлиб, буни электроника фани оламида "Тўраев назарияси" деб аташади. Сизга жўнгина тушунтириб берай. Тасаввур қилинг, коинотда космик кемалар, сунъий йўлдошлар учиб юрибди. Уларнинг парвози давомида сиртига қуёшдан ва бошқа учиб юрувчи объектлардан тарқаладиган бир қанча заррачалар урилади. Бу эса кеманинг устки қисми емирилиши ёки қизиб кетишига олиб келади. Натижада космик кема узоқ парвоз қила олмайди. Бундай заррачаларнинг таъсирини камайтириш учун эса космик кемаларнинг сиртини ўта қаттиқ жисмлардан, қўшимча атом оқимлари билан зичлаштирилган материаллардан яратиш зарур. Учиш мосламаларининг сиртида қанчалик мустаҳкам қатлам ҳосил қилинса, уларнинг учиш муддати шунчалик узоқроқ ва ишончли бўлади. Менинг шогирдларим билан бажарган илмий ишларимнинг бир йўналиши сиртларнинг атом заррачалари таъсирида емирилиши(чангланиши)ни назарий асослашга қаратилган бўлса, иккинчи йўналиши қаттиқ жисмларнинг сиртларига бегона атомлар заррачаларини киритиб, бу сиртларнинг чангланиш даражаларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга бағишланган.

***— Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётга алоқадор илмий ишларингиз ҳақида ҳам ўқиган эдик. Умуман, шулар хусусида ҳам маълумот берсангиз.***



— Шогирдларим билан бирга физика фани ютуқларини қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш устида иш олиб бордик ва маълум даражада муваффақиятга эришдик: лазер нурлари ёрдамида пахта ҳосилдорлигини ошириш усулини, яъни нур берувчи лазер қурилмани яратдик. Чигитни экиш олдидан нурлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги анча юқори бўлади. Мисол учун, оддий ҳолатда Аш-25 навли ғўзанинг бўйи 90,5 см. бўлса, нурлантирилганда унинг бўйи 91,6 см.дан 94,3 см.гача боради. Нурланиш муддати ва усулига қараб, ғўзанинг Аш-25 нави бўйича ҳар гектар майдондан 8-10 фоизгача қўшимча ҳосил олиш мумкинлиги аниқланди.

Маълумки, йоднинг аҳамияти озиқ-овқат саноатида, айниқса, тиббиётда жуда муҳимдир. Шунинг ўзиёқ йод олиш масаласи нақадар долзарблигини кўрсатмоқда. Илмий тадқиқотларимиз натижасида Сурхондарё вилоятининг Хаудаг, Учқизил ва Кокайти каби ҳудудларидаги нефть қазиб олинган қудуқлардан чиқаётган сув таркибида йод ва унинг турли хил бирикмалари борлиги аниқланди. Махсус мослама яратилиб, Хаудагда кичик завод қурилди. Натижа эса ёмон бўлмади. Бу ерда йилига 1-1,5 тонна йод бирикмалари ажратиб олишга эришилди. Яна бир гап. Ушбу сувлар таркибидан бемалол катта миқдордаги экологик тоза ош тузини ҳам олса бўлади. Бундай кичик технологияларни янада кўпайтириб, юртимиздаги бошқа йод сақловчи ер ости табиий сув манбаларидан ҳам йод, бром ёки ош тузи ажратиб олиш имкони бор.

***— Сиз катта ҳаётий тажрибага эга бўлган инсон ва етук олим сифатида илм йўлини танлаган бугунги ёшларга қандай истакларингиз бор?***

— Юртимиз олимлари шўролар даврида марказнинг рухсатисиз бирорта янги мавзу ёки техникавий яратувчанлик ишларига қўл ура олмасди. Ҳатто юртимиздаги Фанлар академияси институтлари ҳар йили бирор мавзуга қўл уришдан аввал рухсат олиш учун собиқ иттифоқ Фанлар академияси ҳамда турли идораларга ялиниб-ёлворарди. Бугун эса, минг шукрки, юртимиз мустақил. Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида илм-фанга катта эътибор берилаяпти. Илм ўрганаман, илмий изланишлар олиб бораман, деган одамга барча имкониятлар муҳайё. Баъзан бугунги навқирон авлодга қараб туриб, шоирнинг: "О, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди", деган сўзларини айтгим келади. Уларга ҳавас қиламан. Фанда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Илм йўлидаги ёшларга истагим, бор куч-ғайратларини сафарбар қилиб, юртимиз, халқимиз, бутун инсоният учун фойдали бўлган илмий тадқиқотлар билан шуғулланишсин. Мустақил фикрлаб, сидқидилдан меҳнат қилишсин. Ҳалол меҳнат эса, албатта, эътирофга сазовор бўлади.

## ОЛИМЛИК — ЕТУКЛИК ДЕМАК

**Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.**

МУЛОҲАЗА

## ТАРБИЯДА ҲИКМАТ КЎП

*Ишдан қайтишингиз билан фарзандингиз истиқболингизга чиқади. Сизни кутган эмасми, кўришар-кўришмас саволларга тутади. Болангиз бераётган саволлар унинг хаёлот оламидек кенг ва ранг-баранг. Мактабда муаллимидан эшитган-у, аммо мағзини чақа олмаётган янги билимлар унга тинчлик бермайди, ён-атрофида кечаётган турфа ҳодисалар синоатига тезроқ етишга интилади. Тонгда қуёш чиқиши, намозшомда эса яна ўз ётоғига кириши, тунда қуёшнинг ўрнини билинтирмай дегандек, осмонда оймомонинг пайдо бўлиши...*

Булар сиз учун кундалик оддий воқеликка айланиб улгурган. Шунданми, фарзандингизнинг ана шу ҳодисалар нима учун рўй бериши ҳақидаги жўн саволига ҳам жавоб бергингиз келмайди. Гоҳида билмаганингиздан, гоҳида эса истамаганингиздан жажжи "билимдон"нинг сўровларини эътиборсиз қолдирасиз. "Қўй, болам, нима қиласан, бошингни қотириб, ундан кўра, мультфильм томоша қил", — дейсиз тезроқ унинг хархашаларидан халос бўлиш ниятида. Ёки "Бор, онангдан сўра, айтиб беради", — дея ошхонада уймалашаётган аёлингиз ёнига юборасиз.

Кун бўйи хаёлингизни банд этган иш, рўзғор ташвишлари, тирикчилик сабабми, фарзандингизнинг билишга бўлган иштиёқини сезмайсиз. Ота-онасини турфа саволларга кўмиб ташлаган, аммо бирорта ҳам жўяли жавоб ололмаган "кичкина донишманд"нинг кўзларида ёниб турган учқун аста-секин сўнаётганига эътибор ҳам қилмайсиз.

Бу ҳолат деярли ҳар куни давом этади. Асов от каби югурик хаёллар билан бўй чўзаётган фарзанд ота-онасини яна кўп бора саволга тутади. Улар ҳам анойи эмас, ҳар гал "сувдан қуруқ чиқиш"нинг йўлини топишади. Болакай жуда тихирлик қилиб сўроққа тутаверса, яхшилаб уришиб ҳам беришади. Шундан сўнг бола савол бермай қўяди, ота-онанинг ҳам қулоғи тинчийди... Аммо эндигина ўсиб келаётган иқтидор сўнади, келажакда бирор соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишиши мумкин бўлган истеъдод йўққа чиқади.

Руҳшуносларнинг айтишича, болалигида кўп савол беришга одатланган, воқеаликка тийрак назар билан қараган кичкинтойлар улғайганларида интеллектуал салоҳияти юқори, тафаккури кенг инсон бўлиб етишадилар. Бунинг учун эса болада истеъдод ғунчалаётган пайтданоқ уни авайлаш, гул бўлиб очилишига имкон яратиш лозим.

Бўладиган бола бошидан маълум, дейди халқимиз. Чиндан тенгдошларини ортидан эргаштираётган кичкинтой ақлини танигач, кўпнинг бошини қовуштирадиган етакчи бўлиши ҳеч гап эмас. Зеҳни ўткир, ҳофизаси кучли болакай яхши ижодкор, етук олим, қўли гул ҳунарманд бўлиб етишиши мумкин. Миллатимиз тарихида бунга мисоллар бисёр.

Абу Али ибн Сино ўсмирлик пайтидаёқ табиб сифатида донг таратган. Даво истаган танларга шифо улашган. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний тўққиз ёшида Қуръони каримни ёд олган. Болалик чоғларидаёқ илмнинг баланд рутбаларини эгаллаган. Алишер Навоий 7 яшарлигида Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" асарини бошдан-охиригача ёд олган. Ўспирин йигитчанинг "Оразин ёпқоч..." дея завқу шавқ билан ўқиган ғазалини тинглаган Лутфийдек маликул калом шоир унинг биргина байти учун 120 минг мисралик шеърий хазинасини беришга тайёрлигини изҳор қилган.

Бобур Мирзо ўн бир ёшида салтанатни бошқарган, ҳукмдорликнинг залворли ташвишларини нозик елкасида кўтара олган. Юртимиз осмонининг порлоқ юлдузи бўлган бу зотларнинг ҳаётга кириб келиш йўлига назар солсангиз, бир умумий жиҳатни топишингиз мумкин: улар зиёли оилада, маърифатли тарбиячилар қўлида камолга етганлар, ота-оналари гўдаклик пайтлариданоқ уларнинг таълим-тарбиясига етарли эътибор қаратишган. Улардаги истеъдод рўёбга чиқиши, такомилига етиши учун ўз вақтида шароит ва имконият яратишган.

Эътибор берганмисиз, бола табиатан ишонувчан бўлади. Ҳатто у катталарнинг ёлғонларига ҳам ишонади. Мурғак қалбнинг ишонувчанлиги эса ота-оналарга қўл келади: кўпинча уни алдаб, ёлғон сабабларга ишонтиришга уринишади. Бироқ "Алдагани бола яхши" нақлининг фарзанд тарбиясига зарарли таъсир кўрсатишини, маъсум кўнгилда турли иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлишини ҳаёт кўп марта исботламоқда. Шунинг учун ҳам маънавияти юксак кишилар болани "Рост айтиш болага яхши!" деган тамойил асосида тарбиялашни қатъий маслаҳат беришади.

Бола қалбига ҳеч бир нарса ота-она ибратидек кучли таъсир этмайди. Жажжи вужудга яширинган истеъдодни аниқлаш ва камолга етказиш ҳам ота-она зиммасидаги вазифадир. Бу вазифа муҳимлиги жиҳатидан болани чиройли кийинтириш, яхши таомлантиришдан қолишмайди.

Донишмандлар боланинг онгу шуурини тоза заминга қиёслашган. Ерга қандай уруғ қадасангиз, ўша униб чиққани каби бола онгига ҳам ёлғонни сингдириб, гўзал келажакни кутмаслик керак.

Руҳият илми мутахассисларининг таъкидлашларича, боланинг интилиш ва иштиёқларини сўндириш, ҳафсаласини пир қилиш охир-оқибат унинг руҳан синишига олиб келиши мумкин. Синган ниҳол эса ҳар доим ҳам бўй чўзиб кетавермайди. Айрим мутахассислар ота-она баъзи оилавий муаммоларни муҳокама қилаётганда боласига ҳам фикр билдириш имконини бериши зарурлигини айтишади. Бу жиҳатдан болаларнинг фикрларига жиддий муносабатда бўлиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш муҳим. Ана шунда боланинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкамланади.

Баркамол авлод жамият тараққиётининг асосидир. Шундай экан, болаларнинг иймон-эътиқоди бутун, билимдон, маънавияти юксак инсонлар бўлиб вояга етишларида оиладаги тарбия муҳим аҳамият касб этишини ёддан чиқармаслигимиз керак.

**С.КАМОЛОВ**

МУТОЛАА

***Юртимиз тарихида шундай буюк сиймолар борки, уларнинг ҳаёти, амалга оширган оламшумул ишлари, кўрсатган жасоратлари, асрлар ўтса-да, хотирамизда яшайверади. Халқимизнинг асл фарзанди, миллатимиз фахри бўлган Жалолиддин Мангуберди ана шундай шахслардан бири эди. Ўтган йили "ART FLEX" нашриёти олим ва ёзувчи Ҳамдам Содиқовнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди" номли тарихий қиссасини босмадан чиқарди.***




## БУЮК САРКАРДА ҲАҚИДА ҚИССА

Мазкур китобни варақлар эканмиз, Жалолиддин Мангубердининг бутун ҳаётини бадиий лавҳаларда кўрамиз ва мулоҳаза юритамиз. Шу билан бирга хоразмшоҳлар тарихи хусусида ҳам қимматли маълумотларга эга бўламиз.

Қиссада тарихий воқеалар образлар воситасида ёритилган бўлиб, ўша даврда Хоразмнинг ички ва ташқи сиёсатидаги аҳвол атрофлича баён этилади. Туркон хотуннинг ўғли Аловуддин Қутбиддин Муҳаммад тахтга чиққанидан сўнг Хоразмда бошланган қўшҳокимиятчилик хусусида фикр-мулоҳазалар юритилади. Жалолиддиннинг болалиги ва ёшлиги фитна, иғво, фисқу фасодга тўла саройдан узоқда, устози Кузбор Малик билан даштда ҳарбий машқлар майдонида ўтганига алоҳида урғу берилади. Маълум бўлишича, Жалолиддин 13 ёшидан бошлаб отасининг ҳарбий юришларида қатнаша бошлаган. Хоразмшоҳ қорахонийлар ва қорахитойлар устидан ғалаба қозонган бўлса ҳам унинг ҳокимияти мустаҳкам эмаслиги ўзига аён эди. Чунки Туркон хотун барча масъул лавозимларга ўз уруғидан бўлган қипчоқларни қўйган ва улар Хоразмшоҳ фармонларига эмас, балки ўз маликалари — Туркон хотун кўрсатмаларига риоя қилишган. Лўнда қилиб айтганда, ҳокимият тизгини Туркон хотун қўлида бўлган. Қиссада муаллиф Хоразмни ана шу қўшҳокимиятчилик ҳалокатга олиб келганини кўрсатиб беради. Адиб Туркон хотуннинг набираси Жалолиддинни ёмон кўргани, шунинг учун уни тўнғич ўғил бўлишига қарамай валиаҳдликдан узоқлаштиргани, ўрнига қипчоқ аёлдан туғилган укаси Ўзлоғшоҳни тайинлагани ҳақида ҳикоя қилади ва ўз қарашлари билан ўқувчини фикр юритишга ундайди.

Қиссада Жалолиддиннинг мўғуллар устидан қозонган ғалабаларининг сабаблари ҳам яхши очиб берилган. Жумладан, муаллиф буюк саркардамиз мўғулларнинг жанг услубларини ҳар тарафлама ўрганиб олгандан кейин уларга қарши ўз жанг усулини ишлаб чиққанига алоҳида эътибор қаратади. Яъни 1221 йилдаги Парвон жангида Чингизхоннинг 45 минг кишилик қўшини билан Жалолиддин лашкарлари ўртасидаги жангда мўғулларнинг ҳийласи иш бермагани, Жалолиддин душман тактикасига қарши ўз услубини қўллаб, зафар қозонгани тўғрисидаги воқеалар ривожи кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлиши шубҳасиз.

Қиссада Жалолиддиннинг шимолий Ҳиндистон, Ироқ, Форс, Озарбойжон ва Гуржистондаги фаолияти ёритилиб, унинг бош мақсади мўғулларга қарши иттифоқни юзага келтириш экани аниқ мисолларда кўрсатилади.

Жалолиддин хоразмшоҳлар давлатини хорижий мамлакатларда юрганида қайта тиклагани хусусида ишонарли фактлар асосида фикр юритилади. Қиссада Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳукмдор, саркарда ва инсон сифатидаги қиёфаси жонли, таъсирчан ёритилганки, уни ўқиган китобхон истеъдодли бобокалони ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлади.

**Озода ТОШПЎЛАТОВА,**
**Тошкент темир йўл муҳандислари институти доценти.**

